

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲИГИТАЛИЕВА ЗИЛОЛАХОН МУРАТОВНА

**ТИЛНИНГ МОДАЛ СТРУКТУРАСИ ВА МОДУСНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

**Филология фани бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological sciences**

Йигиталиева Зилола Муратовна

Тилнинг модал структураси ва модуснинг
ифодаланиши..... 3

Йигиталиева Зилола Муратовна

Модальная структура языка и выражение модуса 26

Yigitaliyeva Zilola Muratovna

Modal structure of the language and expression of
modus..... 34

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 38

Илова

Приложение
Appendix..... 40

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲИГИТАЛИЕВА ЗИЛОЛА МУРАТОВНА

**ТИЛНИНГ МОДАЛ СТРУКТУРАСИ ВА МОДУСНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3PhD/Fil938 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Фарғона давлат университети веб-саҳифаси www.fdu.uz ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилга жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳакимов Муҳаммад Хўжахонович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Одилов Ёркинжон Раҳмоналиевич,
филология фанлари доктори, профессор

Ҳамраева Хулқар Ҳамидуллаевна,
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети


Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашининг «___» _____ 2020 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).


Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28.


Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кuni тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги: ___ рақамли реестр баённомаси).




А.А.Қосимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор


М.Т.Зокиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент


А.Б.Мамажонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг сўнгги йилларидан бошлаб тил инсон омили билан боғлиқ ҳолда талқин қилинмоқда, нутқ вазияти, нутқ субъекти ва унинг когнитив ҳамда психологик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тилга прагмалингвистик ёндашув орқали сўзловчи шахснинг объектив оламга, мулоқот жараёнида суҳбатдошига нисбатан муносабати, яъни модус ифодалаш масалалари ёритилди. Модусда сўзловчига хос муносабатнинг акс этиши, шунингдек, миллий-маданий, этник, аксиологик ва социопсихологик маълумотлар инсон омили нуқтаи назаридан текширилди.

Дунё тилшунослигида бажарилган илмий изланишларда модус тушунчасининг тарихи, у ҳақдаги умумназарий маълумотлар, модус ходисасининг тил сатҳларида ифодаланиши, жумладан, поэтик матн доирасида модуснинг семантик-функционал хусусиятлари ёритилган. Мавжуд илмий адабиётларда модуснинг лисоний воқелик билан алоқаси, унинг фонетик воситалар орқали ифодаланиши, ижтимоий аспектлар билан боғлиқлиги каби масалалар очиб берилган. Эришилган ютуқларга қарамасдан, модус ва модаллик ходисаларининг фарқли хусусиятларини аниқлаш, модусни муайян мезонлар бўйича таснифлаш, унинг прагматик хусусиятларини очиб бериш, лисоний ва нолисоний воситалар орқали ифодаланишини асослаш ҳамда уларни прагматик нуқтаи назардан таҳлил қилиш назарий аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослигида модусга модалликнинг субъектив кўриниши сифатида қарашиб, унинг грамматик бирликлар орқали ифодаланиши ўрганилган бўлишига қарамай, унга миллий тилшунослигимизда анъанавий тарздаги бир ёқлама ёндашиш кузатилади. Бу ўринда сўзловчи муносабати нафақат лисоний, балки унга ёндош бўлган экстралингвистик воситалар ёрдамида ҳам ифодаланиши эътиборга олинмаган. Зеро, “илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб бориш”¹ заруратини кун тартибига қўяди. Шу нуқтаи назардан тилшуносликда модаллик ва модус ходисаларини фарқлаш, модус ифодаловчи воситаларни аниқлаш, модуснинг прагматик табиатини инсон омили билан боғлиқ ҳолда очиб бериш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил

¹ Ўзбекистон Республикаси президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони // <https://lex.uz/docs/5073447> (Мурожаат санаси: 13.01.2021)

сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мантиқшунослик соҳасида пайдо бўлган ва илк бор мантиқшунос-файласуф Пьер Абеляр томонидан киритилган *модус* атамаси тилшунослик фанида Ш.Балли, В.В. Виноградов, Г.А. Золотова, Т.В.Шмелева каби олимлар томонидан функционал-стилистик нуқтаи назардан талқин қилинган, Л.Ю.Подручная, Н.К.Данилова, Е.А.Петрова ва бошқаларнинг ишларида модусга функционал-семантик нуқтаи назардан ёндашилган, шунингдек, модуснинг матн тузилишидаги ўрни ва хусусиятлари Е.Е.Долбик, А.А.Кибрик, О.Н.Копитов, И.Ю.Кремер, И.Г. Разина, Е.М.Кузьминаларнинг ишларида акс этган, унинг лингвомаданий ва аксиологик хусусиятлари эса А.П.Седих, О.В.Бронникова, А.Х.Ахмедов, И.И. Просвиркина ва бошқа олимлар томонидан ёритилган.

Тилнинг модал структураси ва модус масалалари психологик-когнитив ҳамда этник ва когнитив категориялар сифатида Е.М.Вечканова, Ю.С.Афанасьева, Н.Б.Бадмациренова, О.С.Горобец, И.Ю.Кремер, А.П.Седих каби олимларнинг асарларида муҳокама қилинган.

Юқорида келтирилган ишларнинг аксарияти рус тилшунослигида бажарилган бўлиб, уларда модуснинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик, аксиологик, лингвокультурологик ва этник хусусиятлари очиб берилган. Ўзбек тилшунослигида эса модус масаласи билан боғлиқ изланишлар, асосан, модаллик масалаларига бағишланганлигини кўриш мумкин. Бугунги кунга қадар модусга тааллуқли бўлган тўлиқ ҳажмдаги назарий ва амалий ишлар амалга оширилмаган. Бу ҳолат модус категориясини тўлиқ талқин қилиш, таснифлаш ва ўзбек мулоқот актида унинг ифода воситаларини аниқлашни тақозо қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Замонавий тилшунослик муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади модаллик ва модус ходисаларини фарқлаш, модус ифодаловчи воситаларни аниқлаш, ифода воситасига кўра таснифлаш, модуснинг прагматик табиатини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагича белгиланди:

дунё тилшунослигида модус ҳодисасининг моҳияти ва талқини бўйича мавжуд назарий қарашларни муҳокама қилиш, уларга муносабат билдириш;

Ўзбек тилида нутқ субъектининг муносабатини ифодаловчи лисоний ва нолисоний воситаларни аниқлаш ва функционал-прагматик хусусиятини очиқ бериш;

модаллик ва модус тушунчаларини изоҳлаш;

ифода воситаларига кўра модуснинг таснифини яратиш;

модусни ифодаловчи лисоний ва нолисоний воситаларни аниқлаш;

нутқий фаолият жараёнида лингвокультурологик ва психофизиологик хусусиятлар орқали модуснинг ифодаланишини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида А.Қаҳҳор, С.Аҳмад, Т.Малик, А.Қодирий ва Ў.Ҳошимовларнинг бадиий асарлари, илмий ва публицистик мақолалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети нутқий фаолият жараёнида ифодаланувчи модуснинг функционал-прагматик хусусиятларининг талқини ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Танланган мавзуни ёритишда лингвистик тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, функционал-семантик, прагматик, контекстуал таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилар билан белгиланади:

модаллик ва модус ҳодисаларининг реляцион, семантик, вазифавий каби моҳияти, уларнинг мулоқот жараёнидаги мазмуний, функционал ҳамда прагматик қамрови аниқланган;

модуснинг модаллик заминида шаклланиши, лексик, просодик ва грамматик сингари лисоний ҳамда фонацион ва экстралингвистик каби нолисоний ифода воситаларининг умумназарий талқинлари хорижий манбалар асосида далилланган;

нутқда просодик воситалардан интонация, урғу, тембр, лексик воситалардан ҳолат феъллари, жаргонлар, фраземалар, грамматик бирликлардан модал сўзлар, актуал бўлақлар ва эргаш гапли қўшма гаплар билан бирга экстралингвистик воситалардан эса мимика, жест ва фонацион воситалар, шунингдек, нутқий актларда юзага келадиган йиғи, кулги, табассум, сукут ва хўрсинишлар ҳам модус ифодаловчи воситалар сифатида исботланган;

сўзловчининг ташқи олам, нутқ предмети ва коммуникатив вазиятга нисбатан муносабатида шахс диний эътиқоди, у мансуб бўлган халқнинг урф-одатлари, менталитети каби лингвокультурологик хусусиятлари акс этиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

модуснинг мустақил прагмалингвистик ҳодиса эканлиги, модаллик ва модус ҳодисаларининг умумий ва фарқли жиҳатлари ёритилган;

сўзловчи модусини просодик, лексик-семантик, функционал-стилистик, грамматик бирликлар билан бирга, уни қуршаб турувчи нарса ва предметлар ҳамда тилга ёндош воситалар ёрдамида ифодаланиши асосланган;

сохага оид луғатларни тайёрлаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллигини таъминлашда назарий манба бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг илмийлиги, уларни далилловчи маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тўпланган материал таҳлилининг назарий ва методологик жиҳатдан асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар модус ҳодисасига доир назарий маълумотларни, тил назариясида мавжуд бўлган назарий манбаларни такомиллаштиришга хизмат қилиши; модус ҳодисасига прагмалингвистик нутқай назардан ёндашув прагмалингвистика ҳамда тил назарияси йўналишларини такомиллаштиришда назарий асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертациянинг хулосалари ва материалларидан олий таълим муассасаларида умумий тилшунослик, лингвокультурология, лексикология, когнитив семантика, бадиий матн таҳлили каби фанлардан маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда унумли фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижалари ва материаллари илмий тадқиқот олиб бориш жараёнида (диссертация, монография, мақола ва ҳ. к.) ҳамда ўқув қўлланмалар, идеографик луғатлар тузишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тилнинг модал структураси ва модуснинг лингвистик ҳамда экстралингвистик воситалар орқали ифодаланишини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар ва хулосалар асосида:

нутқда просодик, лексик, грамматик бирликлар билан бирга, мимика, жест ва фонацион воситалар, мулоқот пайти ҳосил бўладиган йиғи, кулги, табассум, хўрсиниш, репликалар ўртасидаги тўхталишлар каби экстралингвистик воситалар ҳам модус ифодалаш ҳолатларига оид илмий хулосаларидан А-1-099-рақамли “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” номли амалий лойиҳа грантида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 октябрдаги 89-03-3852–сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ҳисоботларининг илмийлиги ва тушунарлилиги ортган;

модусда сўзловчининг диний эътиқоди, ўзи мансуб бўлган халқнинг урф-одатлари, менталитети каби лингвокультурологик хусусиятларига доир қарашлар ва ишнинг назарий хулосаларидан 2015-2017 йилларда Андижон давлат университетида бажарилган «А-1-126. Узлуксиз таълимда ўқувчилар

тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари» номли амалий лойиҳа грантида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 октябрдаги 89-03-3852 – сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ҳисоботлари услуги қайта кўриб чиқилган ва назарий жиҳатлари такомиллаштирилган;

аёл ва эркеклар нутқида субъектив муносабатнинг ифодаланиш усуллари, эмотив-экспрессив ва аксиологик модусларнинг паралингвистик воситалар орқали ифодаланишига доир диссертация хулосалари ва материалларидан 2019-2020 йилларда ЎзМТРК “O‘zbekiston” телерадиоканали “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт”, “Адабий жараён” эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 24 сентябрдаги 04-25-799-сон маълумотномаси). Натижада эшиттиришлар илмий ва амалий жиҳатдан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида маъруза қилиниб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, шу жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 176 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Лисоний система ва модал структура**» деб номланган биринчи бобида модус назариясининг фанлар кесимида шаклланиш жараёни ёритилган, модаллик категориясига оид тадқиқотлар тарихи таҳлил қилинган, зарур ўринларда уларга муносабат билдирилган, тилнинг модал структурасида модусга хос анъанавий ҳамда замонавий парадигмаларнинг вужудга келиши тадқиқ этилган.

Маълумки, *модус* “лотинча “*modius*“ сўзидан олинган бўлиб, *ўлчов, тур, қоида*²” каби маъноларни англатади. Модус дастлаб мантиқшунослик фанида нутқ орқали фикрнинг тасдиқ ёки инкор шакллари ифодалаш учун қўлланган. Айни пайтда, модус мантиқшунослик фани билан бир қаторда санъатшунослик, адабиётшунослик, тилшунослик ва бошқа қатор фан соҳаларида ҳам муҳим тадқиқот объекти ҳисобланади. Жумладан, бир мавзу доирасида яратилган санъат асарларидаги индивидуал ўзига хослик санъаткорнинг ички олами ва тасаввурини ифодалаганлиги билан модус вазифасини бажаради. Англашиладики, фикр ва модус ходисалари бир-бири билан узвий боғлиқ. Адабиётшуносликда модус атамасининг қўлланишида ҳам асосий урғу фикр ифодаси билан боғланади ва у кўпроқ бадиийлик жиҳатдан баҳоланади. Мазкур соҳада бу атама илк бор канадалик олим Нортроп Фрай томонидан илмий ҳаётга олиб кирилган бўлиб, у муаллифнинг асар қаҳрамонига бўлган баҳосини изоҳлаш учун қўлланилган³. «Замонавий ўзбек адабиётшунослигида эса бу терминнинг замонавий ўзбек романларида бадиийлик кўринишлари ва қонуниятлари: киноявийлик, трагиклик, сатириклик, драматикликнинг намоён бўлиш усуллари маъносида қўлланиши ҳам кузатилади. Рус олими Валерий Тюпа бу тушунчага муаллифнинг ғоявий–эмоционал баҳоси, деб қарайди. Ўзбек адабиётшуноси, профессор Д.Қуронов эса модусни “ғоявий–ҳиссий муносабат ёхуд муаллиф эмоционалигидан ташқари, қаҳрамонни типиклаштиришнинг ўзига хос кўриниши”, деб изоҳлайди⁴». Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидаги Мирзакаримбой образи ўша давр нуқтаи назаридан салбий қаҳрамон сифатида идрок қилинса, бугунги кун, бугунги иқтисодий сиёсат нуқтаи назаридан у тадбиркор, ижобий қаҳрамон сифатида баҳоланади. Демак, вақт омили ва ижтимоий фикр таъсирида баъзан модус ўзгарувчан хусусиятга эга бўлади. Абсолют модус тушунчаси ўта нисбийдир, у мушоҳада жараёнидаги янги фикрларнинг алмашилиш ҳисобига ўзгариб туради.

Модуснинг матндаги ифода имкониятларини пайдо бўлишида таҳлил ва танқид категориялари асос бўлган. Жумладан, О.Н.Копитов рус адабиётида XVI асрга қадар бўлган барча матнлар диний эътиқодга бағишланганлигини, айниқса, ўрта асрларда яратилган асарларнинг аксарияти сакрал адабиёт характерида эканлиги ва уларда модусни топиб бўлмаслигини айтади. Модус моҳиятида танқидий муносабат, таҳлил, баҳо ва субъектив фикр ётади. Диний эътиқодга йўғрилган адабиёт эса бу белгилардан ҳолидир. Шу боис “матнга нисбатан илмий филологик, танқидий ва шубҳа билан ёндашиш шаклланганига қадар ҳозирги маънодаги

²Фалсафа (этика, эстетика, мантик): Маърузалар курси/Д.А.Юсубов, Х.Б. Саитходжаев, Д.Х.Разаков ва бошқ.; Масъул муҳаррир ф.ф.д., проф. ХФ.Хайдаров. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 437 бет.

³ Фрай Н. Анатомия критики//Зарубежная эстетика и теория литературы XIX – XX вв – М.: Изд-во, Моск. Ун-та, 1987. – С. 233-263.

⁴ Якубов И.А. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси: Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 23 б.

модус мавжуд бўлмаган⁵”. Бизнингча, модус ёзув пайдо бўлмасдан аввал, яъни оғзаки адабиёт шакллана бошлагандан буён мавжуддир. Бизгача етиб келган қадимги адабий ёдгорликларга назар ташлайдиган бўлсак, ўзбек халқ қаҳрамонлик эпослари, “Авесто”, Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари негизида муаллифнинг табиат ҳодисаларига, асар қаҳрамонларига, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат каби ҳодисаларга бўлган муносабати мавжуддир.

Бобнинг иккинчи фаслида тилшуносликда модаллик ҳодисасининг ўрганилиши масаласи ёритилган, модаллик ҳақидаги назарий қарашлар таҳлил қилиниб, модаллик назариясининг умумий қоидалари белгилаб берилган.

Маълумки, тилшуносликда модаллик ҳақидаги илк ғоялар тилнинг грамматик сатҳида кўзга ташланади. Модаллик ҳодисаси предикатив категория сифатида таҳлил этилган ишлар қаторида В.В.Виноградов, Г.Мор, Р.Икрамова, Р.А.Камильджанова, Г.А.Золотова, Т.В.Шмелева, П.Айзенберг, Х.Бёшотен, Р.Дийтрих, Ф.Р.Палмер, Э.Лайс, Ю.Ренч, А.Нурмонов, Р.Р.Ахунзянова, Б.Ч.О.Ооржак⁶ каби олимларнинг изланишлари муҳим ўрин тутади.

Г.В.Колшанский, Н.Е.Петров, Ж.Ёкубов, Т.В.Романова, И.И.Маруда, Е.И.Ивницкий ва И.А.Нагорныйлар⁷ изланишларида масаланинг

⁵ Копытов О.Н. Модус на пространстве текста: монография. – Хабаровск: Изд-во ХГИИК, 2012.-81 бет.

⁶ Виноградов В.В. О категории модальности и модальных словах в русском языке / В.В. Виноградов. – М. : Просвещение, 1950; Mohr, Gertraud. Modalität und Infinitiv. SBORNÍK PRACÍ FILOSOFICKE FAKULTY BRNĚNSKÉ UNIVERSITY. 1965, A 13. S. 82-86; Икрамова Р. Модальные формы имен существительных в современном узбекском языке. Автореф. дис.... канд.филол.наук. Ташкент, 1967; Камильджанова Р.А. Модальные слова в современном узбекском языке. Автореф. дис.... канд.филол.наук. Ташкент, 1975; Золотова Г.А. Модальность в системе предикативных категорий. Otázky slovenské syntaxe; Шмелева Т.В. Семантический синтаксис: текст лекций. Красноярск: Краснояр.гос.ун-т, 1988; Eisenberg, Peter. Grundrisse der deutschen Grammatik. Stuttgart: J.B. Metzlerische Verlagsbuchhandlung 1989; Boeschoten, Hendrik 1994. Modalität: Eine vernachlässigte Kategorie. In: Fittschen, Maren & Esin Ileri (Hrsg.) Türkisch als Fremdsprache unter sprachwissenschaftlichen Gesichtspunkten. Materialien der internationalen Fachtagung 11.-14. Juni 1992 in Hamburg. Wiesbaden: Harrassowitz; Dietrich, R. Modalität im Deutschen: zur Theorie der relativen Modalität. Opladen: Westdeutscher Verlag, 1992; Palmer, F.R. 2001. Mood and modality. 2 edn. Cambridge University Press; Leiss, Elisabeth. Explizite und implizite Kodierung von Deontizität und Epistemizität: Über die grammatische Musterbildung vor der Entstehung von Modalverben. Jezikoslovije 3.1-2 (2002). S. 69-98; Rentzsch, Julian 2010. Zur Modalität im Türkischen. In: Boeschoten, Hendrik & Rentzsch, Julian (eds.). Turcology in Mainz/Turkologie in Mainz. (Turcologica 82.) Wiesbaden: Harrassowitz, 209–224; Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. — Т. : Академнашр, 2012. I жилд.; Ахунзянова Р.Р. Эпистемическая модальность и средства ее выражения в английском и татарском языках. Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. Набережные Челны 2012; Ооржак Байлак Чаш-Ооловна. Система грамматической модальности в тувинском языке (в сопоставлении с тюркскими языками Сибири): Дис. ... доктора филол.наук. Кызыл, 2018;

⁷ Колшанский Г.В. К вопросу о содержании языковой категории модальности. Вопросы языкознания. 1961, № 1. С. 94-98., Соотношение субъективных и объективных факторов в языке. Изд. 2-е, стереотипное. – М.: КомКнига, 2005. – 232 с. (Лингвистическое наследие XX века.); Петров Н.Е. О содержании и объеме языковой модальности. Новосибирск, 1982.; Ёкубов Ж. Лингвистикада модаллик категорияси // Филология масалалари. 2003. № 3-4. – Б. 54-56.; Романова Т.В. Модальность. Оценка. Эмоциональность: Монография. - Нижний Новгород: НГЛУ им. Н.А. Добролюбова, 2008. - 309 с.; Маруда И.И. Категория модальности и способы ее выражения.

conference.osu.ru > assets > files > conf_reports > conf9____; Ивницкий Е.И., Нагорный И.А. Значение утверждения/отрицания как средство выражения модального значения достоверности. <https://cyberleninka.ru/article/n/znachenie-utverzheniya-otritsaniya-kak-sredstvo-vyrazheniya-modalnogo-znacheniya-dostovernosti.pdf>

умумназарий жихатлари ёритилган. Шунингдек, Германиянинг Й. ванн дер Аувера ва В.А.Плунгиан⁸ каби олимлари модалликни семантик нуқтаи назардан таҳлил қилган бўлсалар, унинг матн доирасидаги функцияси, муаллифлик модаллиги (“авторская модальность”), матннинг турли жанрларида модаллик кўринишлари (“виды модальности в текстовых жанрах”)⁹ каби масалалар рус олимлари Е.А.Попова, Г.Я.Солганик, С.В.Кобизева, Л.И.Байдицкая, Н.А.Сабуровалар томонидан тадқиқ этилган. Модаллик масалалари лингвокогнитив ва лингвокультурологик нуқтаи назардан ҳам ишланган бўлиб, булар М.М.Жўраева, В.В.Казаковская¹⁰ каби олимлар ишларида кўзга ташланади. Модаллик соҳасидаги қарашларнинг турли-туманлиги кузатилса-да, улар моҳиятан мазкур категория ҳақида умумназарий маълумотларни бериш билан характерланади. Шунингдек, уларда модаллик билан боғлиқ қарашларни тартибга солиш мақсадида муайян бир тамойиллар асосида уларни тизимлаштириш ва тасниф қилиш ҳолатлари кўп кузатилади.

Биринчи бобнинг учинчи фаслида модаллик таснифига ёндашувлар ва модаллик турлари масаласи таҳлил қилинган. Модалликнинг парадигматик таснифида, аввало, анъанавий ва замонавий модаллик фарқланади. Маълумки, тилнинг модал структураси мавжуд дарслик ва қўлланмаларда морфологияда “модал сўз” ва синтаксисда “кириш бўлақлар” номлар билан ўрганилди. Шунингдек, модал структура предикативлик категориясининг таркибий қисми сифатида тадқиқ этилди. Аммо модаллик тушунчаси бугунги кунда анъанавий ёндашув асосида мазкур маъно мундарижасидан кўра кенгроқ маънода қўлланилаётганлигини исботлаш учун тадқиқотимизда тилнинг анъанавий модал структураси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдик. “Лингвоэнциклопедик луғат”да “модаллик термини талқинида ҳодисага нисбатан функционал-семантик категория эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилади.

Манбаларда модаллик турли тамойилларга асосланган ҳолда ҳар хил таснифланган. Масалан, Г.А.Золотова модалликнинг воқеликка бўлган алоқасини ўрганади ва уни гапнинг функционал-синтактик белгиларига

⁸ Auwera, Johan van der & Plungian, Vladimir A. 1998. Modality's semantic map. *Linguistic Typology* 2, 79–124.

⁹ Попова Е.А. Оценочная категоризация ментефактов в английском языке. Дис... канд.филол.наук. Воронеж, 2017. – 348 с.; Солганик Г.Я. О текстовой модальности как семантической основе текста // Структура и семантика художественного текста: Доклады VII Международной конференции МГОПУ. - М., 1999.; Хожалиев И. Матншунослик курсида тасвир нутқини ўргатиш [Матн]: услубий қўлланма / И.Хожалиев; масъул муҳаррир М.Мамажонов; ЎзР ОЎМТВ, Фарғона давлат ун-ти, : – Фарғона, 2019. – 88. ; Кобызева С.В. Аксиологическая модальность и специфика ее реализации в рекламном тексте. Вестник Челябинского государственного университета. 2011. № 20 (235). Филология. Искусствоведение. Вып.56. С. 99-104.; Байдицкая Л.И., Сабурова Н.А. Деонтическая модальность и лингвистические средства ее репрезентации в кодексе профессиональной этики. Лингвистика и межкультурная коммуникация Выпуск №5(19), 2015. С. 105-110.

¹⁰ Жўраева М.М. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий маданий хусусиятлари: Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Т., 2017 – 87 б.; Казаковская В.В. Языковое и когнитивное в усвоении эпистемической модальности. МАПРЯЛ «Русская грамматика: описание, преподавание, тестирование» в Хельсинкском университете (Финляндия) июнь 2017. С. 542–575. <https://cyberleninka.ru/article/n/yazykovoe-i-kognitivnoe-v-usvoenii-epistemicheskoy-modalnosti>

асосланган ҳолда предикатив модаллик, субъектив модаллик, сўзловчининг ҳаракатга бўлган модал муносабати каби уч турга ажратади.

Г.А.Золотова объектив модаллик атамаси ўрнида “предикатив модаллик¹¹” атамасини қўллайди. Бу эса модаллик категорияси предикативликнинг бирламчи хусусияти эканлигини кўрсатади. Объектив модалликдан фарқли равишда тилда мавжуд бўлган ҳар бир жумла таркибида субъектив модаллик, яъни модус доим ҳам кузатилмайди. Бу эса субъектив модалликнинг, модуснинг факультатив характерга эга эканлигини билдиради. Модус сўзловчининг нутқ предметиға, борлиқдаги воқеа-ҳодисаларға нисбатан баҳо ва муносабатини ифодалайди. Бу модаллик ва модус тушунчалари ўртасидаги энг асосий фарқли жиҳат ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигида модаллик категориясига муносабат, кўпинча, ўта тор доирада белгилаб келинади. Модаллик категорияси ханузгача гапнинг грамматик хусусиятларига асосланган дефинитив парадигма сифатида қўлланиб келинмоқда.

Маълумки, тилшунослиқда анъанавий модаллик деб юритилаётган модаллик предикатив категория бўлиб, унда гап мазмунининг воқеликка бўлган муносабати ифодаланади. Ўтган асрнинг 90-йиллари ва XX аср бошларига қадар модаллик атамаси нафақат жумла мазмунининг воқелик билан алоқасини, балки сўзловчининг гап орқали ифодалаётган шахсий муносабатини ҳам қамраб олган. Бундан келиб чиқадики, модаллик категорияси мукамал таснифланмаган. Гап орқали ифодаланган ҳар қандай модал маъно модаллик категориясига тааллуқли, деб ҳисобланган. Тилшунослиқда антропоцентриқ назариянинг ривожланиши эса модаллик ҳодисасини сўзловчи субъект билан боғлаб ўрганишни тақозо этгани ҳолда нутқда сўзловчининг хоҳиш-истагини, шахсий фикр-мулоҳазаларини, эмоция ва рухий ҳолатини ифодаловчи модал маъноларни субъектив модаллик атамаси остига бирлаштирди. Жумла мазмунини воқелик билан боғлаган модал маънолар эса унинг зидди сифатида замонавий тилшунослиқда объектив модаллик номи билан юритилади. Тилшунослиқда модалликнинг бундай замонавий тарзда талқин ва тасниф этилиши швейцариялик олим Шарль Баллининг¹² “диктум” ва “модус” ҳақидаги қарашларига асосланади.

Биринчи бобнинг тўртинчи фасли тилнинг модал структурасининг замонавий талқини масалаларини ёритишга бағишланган.

Тилшунослигимизда модаллик номи билан юритилиб келинган ҳодиса бугунги кунда хориж тилшунослигида модус, деб баҳоланмоқда. Модал сўзлар, кириш бўлақлар, феълнинг буйруқ-истак майли, юкламалар, ундов сўзлар, гап тартиби ва ҳ.к. ҳозирда сўзловчининг нутқ предмети, суҳбатдоши ва коммуникатив вазиятға нисбатан муносабатини, фикр-мулоҳазалари ва ҳис-туйғуларини ифодалаши кузатилмоқда. Жумла мазмунини воқеликка мос

¹¹ Золотова Г.А. Модальность в системе предикативных категорий: Otázky slovenské syntaxe III – С.93. Электронный ресурс: https://digilib.phil.muni.cz/bitstream/handle/11222.digilib/120833/SpisyFF_180-1973-1_13.pdf?sequence=1 (Дата обращения: 11.0.2019)

¹² Балли Шарль. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М: 1955.

келиш-келмаслигини эса объектив модаллик сифатида тавсифлаш мумкин бўлади. Шундай қилиб, объектив модаллик гапнинг диктум қисмида, бошқача қилиб айтганда пропозицияда ўз ифодасини топмоқда. Пропозиция илмий адабиётларда “коммуникатив мақсад модусининг ҳар қандай тури (яъни мақсадга йўналтирилган нутқий акт феъллари) билан алоқа ўрната оладиган семантик структура, модал рамка таркибига кира оладиган структура” сифатида талқин қилинади¹³. Шу боис пропозиция айнан объектив модаллик ифодаланиши мумкин бўлган гапнинг мантиқий-зарурий қисмидир.

Ҳар қандай гап ёки контекстда ифодаланган пропозиция таркиби аксиологик структура билан мураккаблашади. Пропозиция таркибининг аксиологик структура билан кенгайиши замонавий модуснинг шаклланишига асос бўлади. Модус ҳодисаси мазмуний категория сифатида кенг тушунча бўлиб, у ўз таркибига ифода шаклларида бири предикатив категорияни қамраб олади. Модус фонетик, лексик-грамматик воситалар орқали ифодаланади ва пропозиция мазмунини кенгайишига хизмат қилади. Н.А.Селезнева “... модус тушунчаси модаллик тушунчасига кўра кенгрок мазмунга эга эканини ва у модаллик категорияси билан бирга аксиологик баҳо, эмотив-экспрессив баҳо, ижтимоий баҳо каби категорияларни ҳам ўз ичига олишини¹⁴” айтади. Демак, модус модаллик ифодалай олмайдиган нутқ субъектининг пропозицияга нисбатан турли кўринишдаги муносабатини юзага чиқаради. Демак, пропозиция таркиби модал структурадан иборат бўлиб, у аксиологик ва эмоционал баҳо каби модус структуралари билан мураккаблашади, айни пайтда, модус тилнинг модал структурасини қамраб олади.

XX асрнинг бошларига келиб, модус масаласи стилистик-семантик ва прагматик категория сифатида ўзининг янги талқинига эга бўла бошлади. А.Нурмонов¹⁵ ўзбек тилшунослигида биринчилардан бўлиб, модаллик категориясининг объектив ва субъектив турлари ҳақида маълумот берди ва субъектив модалликка нисбатан модус атмасини қўллади. Ж.А.Якубов¹⁶ эса модаллик категориясини мантиқшунослик ва тилшунослик фанлари кесимида ўрганиб, унда модаллик категориясининг шаклланиш тарихи, ушбу фанларда модалликнинг семантик нуқтаи назардан талқин қилади. Олим модалликнинг субъектив тури модус атамаси билан юритилишини эътироф этди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Модуснинг лисоний воситалар орқали ифодаланиши**» деб номланган бўлиб, унинг биринчи фаслида модуснинг психологик, когнитив-прагматик асослари шакллантирилган.

¹³ Селезнева Н.А. Прагматическая семантика модальной рамки. Электронный адрес: https://www.pglu.ru/upload/iblock/dbf/uch_2009_ii_00012.pdf (Дата обращения: 16.11.2020)

¹⁴ Селезнева Н.А. Прагматическая семантика модальной рамки. Электронный адрес: https://www.pglu.ru/upload/iblock/dbf/uch_2009_ii_00012.pdf (Дата обращения: 16.11.2020)

¹⁵ Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. — Тошкент: Академнашр, 2012. I жилд. — 276 бет.

¹⁶ Якубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланиш хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фан доктори диссертация автореферати. Тошкент 2006.

Маълумки, *белги ва предмет* умумий тилшуносликда қадимдан ўрганилиб келинган масалалардандир. К.Бюлер белги ва предмет муносабатида муайян алоқа бор, деб ҳисоблайди. Улар маълум муносабатлар орқали бир-бири билан боғланади ва бунда боғлиқлик лексик ва синтактик сатҳ бирликлари орқали амалга ошади. Алоқа-аралашув жараёнида белги ва предмет ўртасидаги боғлиқлик даражаси янада ортади ва бунда белги нафақат предметга, балки коммуникатив вазиятга ҳам йўналтирилган бўлиши мумкин. Бу жараёнда борлиқдаги нарса, предмет ва ҳодисаларга тааллуқли бўлган тафаккурдаги тасаввурлар турлича ассоциацияланади, бироқ борлиқ элементлари онгда денотатга хос хусусиятлари билан сақлангани ҳолда, улар муаллифнинг муносабатлари асосида турлича гуруҳланади. Улар лисоний воситалар ёрдамида воқеланади, нейтрал, яхши ва ёмон параметрлари билан муаллифнинг муносабатини ифодалашга хизмат қилади. Тасаввурда ахборотнинг филтрланиши пропозицияда модал структурани шакллантиради. Кўринадик, тилнинг модал таркиби баҳо категорияси босқичига ўтганида тасаввур билан боғланиб, диктум таркибидаги муносабатга асосланган модусни намоён қилади. Модуснинг концептуал ва лисоний ифодаланишини К.Бюлер чизмаси (1-илова)да кўриш мумкин.

Тил бирликлари функцияларининг семантик модели борлиқ элементларини белги сифатида онг ёки тафаккурда ассоциация усули билан акс этишига асосланган. Бунга кўра, нарса, предмет ва ҳодисалар сезги органлари ёрдамида кодланади. Доира марказида лисоний белги вазифасини бажарувчи бирликлар жойлаштирилган. Сезги органлари ёрдамида қабул қилинаётган нотаниш тушунчалар тасаввур босқичида белгининг барча хусусиятлари билан идрок қилинади ҳамда улар доира ва учбурчакдаги денотатив марказга юборилади. Денотатив марказдаги лисоний белгилар нутқ иштирокчилари учун умумий тасаввурни ҳосил қилади. Нутқий мулоқот жараёнида лисоний система воситалари орқали сўзловчи томонидан юборилган ахборот тингловчи онгида умумий денотатив қиймат билан қабул қилинади. Фикр ёки ахборотни ифодалаш ёки қабул қилиш жараёнида сўзлашувчилар онгида филтрлаш босқичи юз беради. Натижада ифода таркиби пропозицияга асосланган модал структурадан иборат бўлади. Доирани учбурчак ичига жойлашиши мулоқот давридаги нисбийликни англатса, уни ташқарига чиққан қисмлари “апперцепция¹⁷”га, идрок қилиш жараёнига ишора қилади. Яъни тасаввурга ишора қилади. Бу дегани бирор нарса ҳақидаги тасаввурнинг ҳар кимда ҳар хил тушунилиши ва идрок қилинишидир. Мулоқот иштирокчиларини ўзаро боғлаб турувчи чизиқлар эса лисоний белгининг алоқа жараёнидаги семантик функцияларидир. (К.Бюлер қарашлари асосида ўз моделimizни 2-иловада тақдим этамиз)

К.Бюлернинг тил функциялари таснифи белги ва нутқий акт компонентлари ўртасида амалга ошувчи алоқага асосланганлиги сабабли

¹⁷ Бюллер Карл. Теория языка. Репрезентативная функция языка. - М., 1993. – С. 24 .

олим тил функцияси атамасига тил орқали шаклланадиган “муносабатлар¹⁸”, деб таъриф беради. Бундан келиб чиқадики, тилни нутқий акт компонентлари билан “муносабатга” киришиши орқали нутқда хабар, эмоция ва мурожаат шаклидаги маънолар ўз ифодасини топади. Шунингдек, юқорида эътироф этилган тил функциялари амалиётида, тилда нафақат предмет ҳақида хабар, сўзловчининг эмоциялари ва унинг тингловчига йўллаган мурожаати ифодаланади, балки уларда объектив олам, инсонлар, нарса ва ҳодисаларга нисбатан объектив ва субъектив муносабатлар ҳам ўз аксини топади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фаслида модуснинг просодик воситалар орқали ифодаланиши ўрганилган. С.Ахманова просодия тушунчасини кўйидагича шарҳлаган эди: “просодия суперсегмент воситаларнинг умумий номи бўлиб, айнан тоннинг баландлиги, чўзиқлик (миқдор) ва баландликдир (куч, амплитуда)” ҳамда “асосий тоннинг кўтарилиши ва пасайиши (мелодика), кучли ва кучсиз урғуларнинг тақсимооти (динамика), нутқнинг тез ёки секинлиги (темп) ҳамда талаффузнинг узилиши (пауза) каби нутқнинг суперсегмент воситалари бирикиш тамойиллари ҳақидаги таълимотдир¹⁹”. Просодика терминига берилган таъриф мазмунига кўра ва Ш.Баллининг қарашларидан келиб чиқиб, ҳар қандай нутқнинг таркибида модус интонация орқали ифодаланади, деб таъкидлаш мумкин. Бу борада проф. Л.Р.Зиндер ҳам интонациянинг икки хил турини фарқлайди²⁰. Л.Р.Зиндернинг юқоридаги концепцияси асосида интонацияга асосланган модуснинг уч турини кўрсатиш мумкин: а) нутқий мулоқотга асосланган интонацион модуснинг биринчи турида грамматик модус назарда тутилади. Модуснинг бу тури жумла тугалланган ёки тугалланмаганлигини билдириб, нутқий мулоқотда савол ёки жавоб ифодаланаётгани ҳақида хабар беради, айти пайтда интонацион модуснинг асоси тилнинг коммуникатив функцияси билан боғлиқ бўлади. Гапнинг ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ ва ундов каби турларини фарқлашда ҳам интонацион модус асос қилиб олинади; б) тилнинг коммуникатив-прагматик функцияси ифода таркибида мулоҳаза, музокара, танқид, эътироз каби нутқий актлар ёрдамида баҳога асосланган интонацион модуснинг шаклланишига хизмат қилади; в) тилнинг коммуникатив-прагматик функцияси асосида сегмент бирликлар устига интонация усули билан қўйилган эмоционал модусни шакллантиради.

Ш.Баллининг интонация ва модаллик масалалри борасидаги қарашлари “...интонация модалликнинг табиий ифодаси²¹” эканлиги ҳақидаги жумла мазмунида акс этади. Зеро, интонацияда сўзловчининг коммуникатив мақсади акс этади. Шу боис нутқда модусни ифодаловчи асосий ва ягона воситалардан бири интонациядир. Интонация нутқни тартибга солиш, унинг тушунарлилиги ва раволигини таъминлаш билан бирга нутқ субъектининг

¹⁸ Бюллер Карл. Теория языка. Репрезентативная функция языка. - М., 1993. - С. 24

¹⁹ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М.: СЭ, 1969. - С.367.

²⁰ Зиндер Л. Р. Общая фонетика. М., 1979. - С. 312.

²¹ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. - М: 1955. - 50 б.

маълум эмоциялари, коммуникатив предметга берган баҳосини ифодалайди ва нутққа субъектив бўёқ беради.

Урғу луғавий бирликларни ва уларнинг модал маъноларини дифференциациялашга хизмат қилади. Зеро, Е.Н.Митрофанова таъкидлаганидек: нутқий фаолиятда “урғу энг аввало субъектив, эпистемик модал маъноларни юзага чиқариш²²” учун ҳам хизмат қилади. Юқоридаги фикрлар асосида айтиш мумкинки, урғу гап ёки матн структурасида луғавий бирликларга таъсир кўрсатар экан, гап таркибидаги бўлакларни сўзловчининг коммуникатив ниятига боғлиқ ҳолда ўзгартирар экан, албатта, у пропозициядаги диктум ва модусни ҳам фарқлаш учун хизмат қилади.

Диссертацияда модусни ифодаловчи тембр, мелодика, темп каби просодик воситалар ҳам ўрганилиб, уларнинг нутқий фаолиятда модал маъно касб этиш хусусиятлари очиб берилган.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли модуснинг лексик бирликлар орқали ифодаланиши масаласига бағишланган. Модуснинг лексик бирликлар орқали ифодаланиши ҳақида сўз борганида, проф. Р.Қўнғуровнинг тилнинг модал структурасига бағишланган махсус тадқиқотларда модал маъно ифодаловчи лексик система элементлари тўғрисида ҳеч қандай фикр билдирилмаганлигига нисбатан танқидий қарашларни кўрсатиб ўтиш ўринлидир: “модал сўзларни ўрганишга бағишланган ишларда эса бу ҳақида лом-мим дейилмайди. Масалан, *гул, ой, чироқ, йўлбарс, бўта, қўзи, гунча* каби сўзлар семантикасида ҳеч қандай эмоционаллик йўқ. Аммо айрим грамматик формаларнинг ўзи учун типик бўлмаган қуршовда, контекстда ишлатилиш натижасида ёки махсус интонация ёрдамида бундай сўзлар ҳам сўзловчининг нутқ қаратилган объектга муносабатини кўрсатиши мумкин²³”.

Дарҳақиқат, аксарият ҳолларда модус луғавий бирликлар орқали ифодаланади. Бунда сўз ёки турғун бирликлар модус маъно ташувчи восита бўлиб хизмат қилади. Нутққа модус маъно берувчи лексик бирликлар ичида энг соддаси бу ҳис-туйғуни ифодаловчи ҳолат феъллари (*хайратланмоқ, норози бўлмоқ, қўрқмоқ, ажабланмоқ, йиғламоқ*) ҳисобланади. Шунингдек, тилда шундай сўзлар борки, улар нутқда субъектив маъно ифодалаш билан бирга, матнда миллий ўзига хос колоритни ифодалаш учун хизмат қилади. Шу боис А.П.Седих нутқий вазиятдаги этномаданий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, модусни “миллий коммуникатив ахлоқ параметри²⁴” деб, таърифлайди. Миллийликни акс эттирувчи бундай луғавий бирликларга ўзбек тилида *ўргилай, айланай, она (опоси), ака, жон, бўпти, қоқиндиқ* каби сўзлар киради. Жаргонлар ва турғун сўз бирикмалари ҳам шундай субъектив бўёққа эгадир. Уларда сўзловчининг вазиятга нисбатан берган ижобий ёки салбий баҳоси ва, шунингдек, суҳбатдошининг амалга оширган хатти-

²² Митрофанова Е.Н. Фразовое ударение как просодическое средство дифференциации значений английских модальных глаголов. // Вестник Череповецкого государственного университета - 2016 • №5 . 102 с.

²³ Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. Тошкент 1980. 34-бет.

²⁴ Седых А.П. Пропозиция, модус, диктум в национальных языках // Научные ведомости. - 2008. -15 (55) - С. 51.

харакатига билдирган муносабати ифодаланади. Нутқий фаолият пайтида модусни ифодаловчи яна бир лингвистик бирлик — бу, ундов сўзлардир. Ундов сўзлар тилнинг луғат таркибининг кам миқдорини ташкил қилиб, асосан, нутқни ихчамлаштиришга хизмат қилади. Уларнинг бу хусусияти нутқда сўзларни тежаш билан бирга жумлаларнинг экспрессивлик даражасини оширади.

Иккинчи бобнинг тўртинчи фаслида модуснинг грамматик сатҳда ифодаланиш масаласи таҳлил қилинган. Маълумки, ҳар қандай гап ёки матн мазмуни луғавий бирликлар ёрдамида шаклланади, пропозиция ва унинг таркиби, деб ҳисобланган диктум ва модус каби тилнинг модал структураси мустақил ва ёрдамчи сўзлардан иборат қисмлар билан синтаксиснинг бўш ўринлари тўлдирилади. Шунинг учун ҳам диктум асосида ифодаланган модус моҳияти лексик системанинг баҳога асосланган бўёқлари билан юзага чиқади.

Тилшуносликда модал сўзлар ва кириш бўлақлар модуснинг бирламчи ифода воситалари сифатида кўзга ташланади. Жумладан, модал сўз ва кириш бўлақлар ҳақидаги илмий назариялар асосида шаклланган модус ҳодисаси ҳақида Н.Маҳмудов, А.Нурмоновлар уларнинг “семантикаси бевосита модусдан иборат²⁵” эканлиги ҳақида маълумот берадилар.

Диссертацияда модусни ҳосил қилувчи предикат, гап таркибидаги актуаллашаётган бўлақ ва эргаш гапли қўшма гаплар каби синтактик бирликларнинг ҳам модал хусусиятлари ёритилган ва бирма-бир таҳлил қилинган.

